



Халқ сўзи

Ўзбекистон — келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

E-mail: Info@xs.uz

2011 йил 8 сентябрь, № 174 (5341)

Пайшанба

Ўзбекистон Республикасининг ҚОНУНИ

«Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида

Қонунчилик палатаси томонидан 2011 йил 27 июлда қабул қилинган
Сенат томонидан 2011 йил 26 августда маъқулланган

1-модда. Ўзбекистон Республикасининг 2000 йил 25 майда қабул қилинган «Фаолиятнинг айрим турларини лицензиялаш тўғрисида»ги 71-сонли Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Аxbоротномаси, 2000 йил, № 5-6, 142-модда; 2003 йил, № 1, 8-модда; Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси палаталарининг Аxbоротномаси, 2006 йил, № 4, 154-модда, № 10, 536-модда) куйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) **3-модданинг тўртинчи хатбошида** «лицензияни қайта расмийлаштириш, лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш, тугатиш ва бекор қилиш» деган сўзлар «лицензиянинг амал қилишини тўхтатиб туриш ёки тугатиш, шунингдек уни бекор қилиш ва қайта расмийлаштириш» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

2) **9-модданинг биринчи жумласи** куйидаги тахрирда баён этилсин:

«Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари билан ташкил этилган давлат унитар корхоналари ва муассасалари, башарти Ўзбекистон Республикаси Президенти ёки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорларида фаолиятнинг лицензияланадиган турларини амалга ошириш назарда тутилган бўлса, фаолиятнинг мазкур турларини тегишли лицензияни олмадан амалга оширишга ҳақлидир»;

3) **14-модданинг биринчи қисми учинчи хатбошида** «нотариал тасдиқланган» деган сўзлар чиқариб ташлансин;

4) **15-модданинг иккинчи қисми** «Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан» деган сўзлардан кейин «лицензияловчи органининг мазкур аризини кўриб чиқиш билан боғлиқ харажатлари доирасида» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

5) **16-модданинг олтинчи қисми** куйидаги мазмундаги жумла билан тўлдирилсин:

«Лицензия беришни рад этиш ҳақидаги хабарномада кўрсатилган муддат камчиликлари бартараф этиш учун зарур бўлган вақтга муносоиб бўлиши керак»;

6) **20-модданинг биринчи ва иккинчи қисмларида** «бир ҳафталик» деган сўзлар «бир ой» деган сўзлар билан алмаштирилсин;

7) **23-модданинг биринчи қисми еттинчи хатбоши** «лицензияловчи орган» деган сўзлардан кейин «ёки суд» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

8) **25-модданинг учинчи ва тўртинчи қисмлари** куйидаги мазмундаги **учинчи қисм** билан алмаштирилсин:

«Лицензияларнинг реестрларида мавжуд бўлган маълумотлар лицензияловчи органининг веб-сайтига joyлаштирилади ва танишиб чиқиш учун очиб бўлади».

2-модда. Ушбу Қонун расмий эълон қилинган кундан эътиборан қучга киради.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти **И. КАРИМОВ**

Тошкент шаҳри, 2011 йил 7 сентябрь № УРҚ—292

КОНЦЕПЦИЯ: устувор вазифалар

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

қучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилидир

Президентимиз «...давлатнинг назорат функцияларини қанча қучайтирсак, назорат билан шугулланувчи давлат тузилмалари ва органлари қанча қўлайтирсак, амалдорларнинг зўравонлиги ва коррупция шунча авж олаверади. Шунинг учун биз жамоатчилик назоратини, давлат фаолияти, шу жумладан, унинг қуч ишлатувчи тузилмалари фаолияти устидан ҳам жамият назоратини ҳар томонлама қучайтиришга алоҳида эътибор қаратишимиз лозим. Бу масалада бундан бошқа муқобил йўл йўқ», деб алоҳида таъкидлаган эди.

Юртбошимизнинг ушбу сўзларининг амалдаги рўйи Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида ўз ифодасини топди, десак, асло муболага бўлмайди.

Концепцияда давлат ҳокимияти ва бошқаруви органлари томонидан қонун ҳужжатларининг ижро этилишини устидан жамият, фуқаролик институтлари назоратини амалга оширишнинг тизимли ва самарали ҳуқуқий механизминини яратишга қаратилган эътибор қаратилмоқда. Айни чоғда нодавлат ва жамоат тузилмаларининг, биринчи навбатда, демократик кадрлар, одамларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари, қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, давлат ҳокимияти органлари ва ҳуқуқ-тартибот идоралари фаолияти устидан тўрачилик ҳамда коррупцияга қарши курашнинг самарали воситаси бўлган жамоатчилик назоратини қучайтиришдаги ўрни ортиб бораётир.

(Давоми 2-бетда).

Сирдарё вилояти:

ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА БУНЁДКОРЛИК



Қўнра Сайхун сувидан баҳраманд Сирдарё вилоятининг гўзал боғу роғларини яшилликка бурканган экин майдонлари кўрган кўзни яшнатади. Бу далаларда меҳнат қилаётган танти, миришкор одамлар кўнглидаги кўтаринки кайфият, эзгу ниятлар дилдан тилга, эзгу амалларга кўчганини кўриб эса янада қувонамиз. Истиқлолимизнинг 20 йиллик тўйини воҳида истиқомат қилаётган ҳар бир инсон муносиб қарши олди. Илгари Мирзачўл деб аталмиш худуднинг бугунги жамоли одамларнинг қамоли, турмуш фаровонлиги ободлиги ана шундан далалат беради.



Мирзачўл гавҳари

Гулистон — Мирзачўл бағрида қад ростлаган мўъжазгина шаҳар. Бугунги кунда бу ерга келган меҳмон Гулистонда бўлаётган бунёдкорлик ишларини кўриб, бир олам завқ олиши тўғри гап. Чунки кундан-кунга чирой очиб бораётган вилоят марказида юзлаб замонавий кўркем бинолар — коллеж ва

қурилган, қад ростлаётган уй-жойлар пишиқпукхта, йўллар текис, кўчалар, бозорлар, маҳаллар обод, турмуш фаровон.

Бир пайтлар шаҳримизда иккита катта кўча бор эди, холос. Қолганлари қаровсиз кўчалар бўлиб, улар атрофидаги нураб бораётган бинолар дилни хира қиларди. Оқова сув тўлиниб, ҳовлилар захлаб, сувга ботарди.

Эмгир ёсқа-ку, аҳвол янада оғирлашарди. Шукрки, энди буларнинг бари ўтмишга айланди. Мустиқиллик йилларида бевосита Юртбошимизнинг эътибори боис турмушимиз яхшиланди: икки томонлама раво кўчалар, бири-бирдан гўзал иморатлар, дўконлар, чойхоналар, турли ишоотлар бугун хизматимизда. Хамиша дам олувчилар билан гавҳум бўлган хибобларимиздаги дарахтлар, гулларни айтмайсизми?..

Президентимиз Гулистонга келганларида, шаҳар аҳлини ичимлик суви билан таъминлаш ва унинг канализация тизимини янгилаш бўйича аниқ кўрсатмалар берган эди, — дейди шаҳар бош меймори Нодир Норбоев. — Орадан кўп ўтмай, бу хусусда Вазирлар Маҳкамасининг махсус қарори чиқди ва унга асосан, Осие тараққиёт банкнинг 14,3 миллион АҚШ доллари миқдоридagi кредити ёрдамида «Гулистон шаҳридаги ичимлик суви тизимларини такомиллаштириш» лойиҳаси бўйича ишлар бошлаб юборилди. 2006 — 2010 йиллар давомида 49,3 километрик магистраль қувур, 82,3 километрик сервиси (кичик диаметри) қувурлари ётқизилди. Бунинг учун 8,5 миллион АҚШ доллари сарфланди. Натижанда шаҳарнинг 20 миң истеъмолчиси ва 79 000 аҳолисини тоза ичимлик суви билан таъминлаш имкони вужудга келди. Шундан сўнг дренаж ва канализация тизимини яхшилаш бўйича яна бир йирик лойиҳага қўл урилиб, Гулистон шаҳрининг мелиоратив ҳолатини яхшилаш ва сизот сувларнинг сатҳини пасайтириш мақсадида худуддаги мавзуд 26 та тик қудуқ жорий таъмирланди, 20 та янги тик қудуқ қурилди. 84 км. узунликдаги ирригация лотоклари тозаланди. Бу оқова сувларнинг шаҳар ташқари-

«ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН МАРРАЛАР ҲАВАС ҚИЛИШГА АРЗИГУЛИК»

Барчамиз энг улуг, энг азиз байрамимиз — Истиқлолимизнинг қултуғ йигирма йиллик тўйини катта тантана сифатида нишонладик. Бу сананинг халқимиз ҳаётида тугган ўрни ва аҳамияти бекис. Чунки ўтган давр мобайнида мамлакатимизда Президентимиз раҳнамолигида миллий аъёна ва қадриятларимиз қайта тикланди, муқаддас қадам-жолар обод қилинди, шаҳаро қишлоқларимизда аҳоли турмуш фаровонлигини яхшилаш мақсадида кенг қўламли ишлар бунёдкорлик ишлари амалга оширилди.

Лаура Жүзеппина МАЖИ (Италия): — Тадбиркор бўлганим учун қайси давлатга бормай, албатта, ўша юртининг иқтисодий, ишбилармонларига яратиб берилган шарт-шароитлар ва имкониятлар билан қизиқаман. Хозиргача ўттиздан ортиқ мамлакатга сафар қилдим. Ҳар бирининг таассуроти ўзгача. Аммо Ўзбекистонда кўнгаларим мени хайратга солди. Нима учун дейсизми? Бугун энг ривожланган,

Таъкидлаш жоизки, мустиқил Ўзбекистонимизнинг йигирма йиллик миллий тараққиёт йўли халқро ҳамжамият томонидан ҳам юксак даражада эътироф этилмоқда. Шу боис нафақат тарихий шахарларимиздаги бетакор обидаларни, балки ҳар бир ҳудудда давом этаётган улкан ангиланишларни бевосита кўриш иштиёқида юртимизга ташриф буюраётган хориклик сайёҳлар сони тобора ортиб бормоқда. «Халқ сўзи» муҳбири уларнинг айримлари билан суҳбатлашдик.

Эътироф
Бу жуда улкан марра ва мучим янгиликдир. Хуллас, мени хайратга солган таас суротлар кўп. Йигирма йилда мана шундай ютуқларни қўлга киритган давлат, шубҳасиз, янги йиллар ичиде энг ривожланган мамлакатлар қаторига қўшилиди.

Ян ЛЕИ (Германия): — Ўзбекистонга охириги марта бундан ўн йил муқаддам келган эдим. Қисқа даврда амалга оширилган ўзгаришлардан лол бўлиб қолдим. Замонавий кўприк-

лар, автомобиль йўллари, муҳташам бинолар... Масалан, Тошкентдаги «Ўзбекистон» халқро анжуманлар саройи, Ёшлар ижод саройи, Миллий санъат макази, Болалар ижодиёти уйи, Ўзбекистон маданияти ва санъат галереяси — мейморий жиҳатдан бири-бирини тақорламайдиган, замонавий ва миллий аъёналар уйғунлашган бу ишоотлар Ўзбекистоннинг мустиқиллик йилларида бунёдкорлик соҳасида анча илгариллаб кетганини кўрсатади. Ҳар бир қуриш атрофида уйғун ҳолида ям-яшил майсалар, анвойи гуллар, манзарали дарахт қўчатлари экилиши, шунингдек, кўркем фаворалар жойлаштирилиши яна бир ибратли тажрибадир.

Бадий гимнастика
Пойтахтимиздаги «Универсал» спорт саройида бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва «Нару Сагаван» халқро турнири кўтаринки кайфият ҳамда юксак ташкилотчилик руҳида ўтказилди. Буни нафақат иштирокчилар мутахассислар, шунингдек, ҳаяжонли муҳаббатлар бевосита гувоҳ бўлган муҳлислар ҳам бирдек эътироф этишди.

ТОШКЕНТ ТУҲФА ЭТГАН УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР
Халқро гимнастика федерацияси, Ўзбекистон гимнастика федерацияси ҳамда Маданият ва спорт ишлари вазирлиги ҳамкорлигида ўтказилган мазкур нуфузли мусобақаларда Германия, Жанубий Корея, Финляндия, Россия, Озарбойжон, Польша, Япония, Мексика, Болгария, Латвия, Эстония каби 18 давлатдан 28 нафар энг қучли спортчи голиблик учун беллашди. Эътиборли жиҳати, унда Ўзбекистон терма жамоаси вакиллари ҳам муносиб қатнашиб, юксак маҳорат соҳиби эканликларини намойиш қилишди.

Биз мамлакатимиз спорти ҳаётидаги мучим воқеалар ва эришилаётган натижаларини, албатта, порлоқ келажагимизнинг мустиқам асоси бўлган мустиқлолимиз билан боғлаймиз. Чунки мустиқиллик йилларида Президентимиз раҳнамолигида ушбу соҳага, хусусан, болалар спортини ривожлантиришга қаратилган юксак эътибор туфайли янгидан-янги марраларни эгалламоқдамиз. Шаҳаро қишлоқларимизда қад ростлаётган кўркем ва замонавий, мустиқам моддий-техник базага эга спорт иншоотлари — стадионлар, теннис кортлари, сизот ҳавзалари, гимнастика марказлари юртимиз шанини халқро ареналарда муносиб ҳимоя қила оладиган кўрпаб истеъдодларни кашф этиш имконини яратаяпти.

Айниқса, Юртбошимиз ташаббуси билан йўлга қўйилган, дунё тажрибасида кузатилмаган ноёб модель — уч босқичли спорт ўйинлари бу борада мучим аҳамият касб этаётир.

ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни тақозо этади

Маълумки, жамиятни янгилаш, мамлакатини модернизациялашни ҳозирги босқичида фуқаролик жамияти институтлари мучим ўрин тутаяди. Шу боис мамлакатимизда уларни янада ривожлантириш ва қўллаб-қувватлаш борасида кенг қўламли ишлар амалга ошириб келинмоқда.

Президентимизнинг Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенатининг 2010 йил 12 ноябрда бўлиб ўтган қўшма мажлисидаги маърузасида таъкидланганидек, мустиқлигимизнинг илк йилларидаёқ Конституцияимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари фаолиятига доир асосий принципларнинг мустиқам қўйилини барча аҳоли қатламлари манфаатларини акс эттирадиган бундай ташкилотлар кенг тармоқларини ривожлантириш учун қўлай шароит яратди.

Жараён
Дарҳақиқат, кейинги даврда юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини шакллантириш, уларни эркин ривожлантиришнинг ташкилий-ҳуқуқий асоси ва иқтисодий-ҳуқуқий кафолатини яратиш, демократик ўзгаришлар ва жамиятни эркинлаштиришдаги фаол иштирокчи таъминлаш борасида катта ишлар амалга оширилганини алоҳида қайд этиш зарур. Утган даврда шу мақсадга қаратилган 200 дан зиёд қонунлар қабул қилиниб, ҳаётга илчиллик билан татбиқ этилаётгани ҳам бунга мисол бўла олади. «Жамоат фондлари тўғрисида», «Ҳомийлик тўғрисида» ги қонунлар, мамлакатимиз раҳбарининг «Ўзбекистонда фуқаролик жамияти институтлари ривожланишига қўмаклашиш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ва бошқа ҳужжатлар шулар жумласидандир. Табиийки, мазкур ҳужжатлар ННТнинг чинакам мустиқиллигини таъминлаш, уларнинг ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш, фаолиятини ташкилий-ҳуқуқий ҳамда мод-

дий-техникавий жиҳатдан қўллаб-қувватлашга хизмат қилмоқда. Шунини алоҳида таъкидлаш лозимки, эркин, мустиқил, етарли молиявий ресурсга эга бўлган нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари ўзига оқлатилган вазифаларни самарали бажара олади. 2008 йилда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси ва Сенати томонидан қабул қилинган «Нодавлат нотижорат ташкилотларини, фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни қучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қўшма қарори шу мақсадга қаратилгани билан ниҳоятда аҳамиятлидир. Ушбу ҳужжат нодавлат нотижорат ташкилотлари ҳамда фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари мустиқил ривожланишини изчил таъминлаш, уларнинг демократик янгилашишлар жараёнидаги роли ва аҳамиятини қучайтиришда мучим қадам бўлди.

(Давоми 2-бетда).

(Давоми 4-бетда).

(Давоми. Боши 1-бетда).

Унга биноан, ННТ ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари фаолиятини молиялаштиришнинг мураккаб, демократик таъминлашга асосланган тизими яратилди. Аниқ қилиб айтганда бўлса, Давлат бюджетидан ажратилган маблағни тақсимида Олий Мажлис ҳузурида Нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари қўллаб-қувватлаш жамоат фонди ҳамда ушбу фонд маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси ташкил этилди. Унинг таркибига парламент кўйи палатаси депутатлари, Сенат аъзолари, Адлия ҳамда Молия вазирликлари тизимлари, нуфузли нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятини...

ДЕМОКРАТИК РИВОЖЛАНИШНИ ТАЪМИНЛАШ

нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлашни тақозо этади

қаролик жамияти институтлари вакиллари киритилди. Ушбу Фонднинг асосий вазифаси Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетидан ажратилган маблағларнинг нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига тақсимилаш масалаларини кўриб чиқишда қатнашиш ва ушбу маблағларни мақсадли ишлатишнинг таъминлашда иборат. Бундан ташқари, ННТ ва фуқаролик жамияти бошқа институтларининг жойлардаги иқтисодий-иқтисодий масалаларини ҳал этиш, фуқароларнинг иқтисодий фаолиятини оширишга қаратилган лойиҳа ҳамда дастурларни молиялаштириш режасини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш, нодавлат нотижорат ташкилотларининг моддий-техника базасини мустақамлашга қаратилган лойиҳа ва дастурларга таловли қўмақ бериш, грант танловларини уюштириш, лойиҳаларни мониторинг қилиш ҳамда унинг асосий вазифаларидан ҳисобланади.

Фонд маблағлари бевосита нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларига уларнинг муносабати асосида ва Парламент комиссияси қарорларида мубофиқ, субсидиялар, грантлар, иқтисодий буюртмалар тарзида ажратилмоқда. Бундан бир қатор муҳим йўналишларга, жумладан, кичик ва оилавий бизнес, хусусий тадбиркорлик ва касаначилик ҳамда халқ ҳунармандчилигини ривожлантиришга алоҳида эътибор берилганлиги. Айни чоғда ёшлар ўртасида соғлом турмуш тарзини қарор топтириш, ёшларни гиёҳвандлик, ахлоқсизлик, "оммавий маданият" таҳдидларидан асрашдан, аҳолининг экологик саводхонлигини ошириш, экологик ноқулай ҳудудлар, шу жумладан, Оролбуйида аҳолини ичимлик суви билан таъминлаш, ер ресурсларидан оқилона фойдаланиш, сув обьектлари ва ҳавонинг ифлослангани даражасини камайтириш ҳамда муҳим йўналишлардан ҳисобланади. Бундан ташқари, ногиронларга таълим ва тарбия бериш учун қўлай шароитлар яратиш, уларни касбга ўқитиш, ҳуқуқий билимини ошириш, уларнинг жамият ва уюшмаларининг моддий-техник жиҳатдан мустақамлаш, аҳолининг иқтисодий ҳимояга муҳтож катламини қўллаб-қувватлашга йўналтирилган лойиҳалар ҳам доимий эътиборда бўлиб келмоқда.

Хўлоса қилиб айтганда, юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тобора ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўёбга чиқаришда кўл келтириши. Эеро, ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам қонунларга асосланган кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришдан иборатдир.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Хозирги кунда "Ўзбекистон Республикасида жамоатчилик назорати тўғрисида"ги қонунни ҳам назарий, ҳам амалий жиҳатдан янада чуқурроқ талқиқ этиш, уни мукамал ва пухта қабул қилиш барча олим ва амалиётчиларимиз, парламентимиз олдида турган долзарб вазифалардан биридир. Негакки, жамиятимиз ривожлангани, юксак босқичларга кўтарилгани сари давлатнинг кўпгина вазифалари, шу жумладан, назорат вазифаси ҳам, унинг рол ва аҳамияти ҳам тобора камайиб, у ўз ўрнини жамоат ва нодавлат ташкилотларига, фуқаролар уюшмалари ва идораларига бериши, бу жараён тўхтовсиз кучайиб бориши зарур. Мана шу йўлни биз ушбу ҳуқуқий демократик давлат ва фуқаролик жамияти қуриш борасидаги ўзимиз танлаган, мустақиллик йиллари таърибимизда сингалган ягона тўғри йўл, деб айтишга асосланган этарли.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, мамлакатимизда ҳуқуқий демократик давлат ва кучли фуқаролик жамияти барпо этиш ҳамда ривожлантириш бўйича кенг қўламли ишлар олиб борилаётган бир шароитда жамоатчилик назоратининг аҳамияти ҳиқоятда каттадир. Чунки жамоатчилик назорати демократиянинг энг муҳим талабларидан бири бўлиб, у фуқаролар, оммавий ах-

Кейинги уч йилда мазкур Фонд томонидан фуқаролик жамияти институтлари тақдим этган турли иқтисодий лойиҳаларни амалга ошириш учун 11 миллиард сўмдан ортиқ маблағ ажратилгани ҳам бу борадаги ишлар кўламини кенгайтириб бораётганлигини далолатидир. Хусусан, 2009 йилда Фонд "Қишлоқ таркақиёти ва фаровонлиги йили" Давлат дастурига бағишланган 6 та грант танловини ўтказди. Мазкур танловларга 250 та ННТдан жами 330 лойиҳа келиб тушди. Улардан 74 тасига 471,2 миллион сўмлик грант маблағлари ажратилди. Утган йилда эса "Баркамол авлод йили" Давлат дастури доирасида 5 та грант танлови ташкил этилди, грант миқдори 8 миллион сўмдан 10 миллион сўмга етди. Бу танловларга 500 дан зиёд лойиҳа келиб туш-

ди ҳамда улардан 124 тасини молиялаштириш учун Парламент комиссияси томонидан 1,1 миллиард сўм ажратилди. Айни чоғда "ичкинчи сектор"нинг моддий-техник базасини мустақамлаш, уларга ҳуқуқий масахатлар, ташкилий ва техникавий ёрдамлар кўрсатиш мақсадида Парламент комиссияси қарори билан бир миллиард 810 миллион сўм маблағ субсидия сифатида берилди. Иқтисодий буюртмаларни молиялаштириш учун эса бир миллиард 58,4 миллион сўм маблағ йўналтирилди.

Жорий йилги режаларимиз ҳам улкан. Яъни Парламент комиссияси томонидан Давлат дастури доирасида 5 та грант танловини ўтказиш режалаштирилган. Фойлиларга 2 миллиард 131,6 миллион сўм ажратилган бўлиб, грант миқдори 10 миллион сўмдан 15 миллион сўмга оширилди. Ана шундай танловлардан бири "Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йили" Давлат дастурига бағишлаб ўтказилди. Унда иштирок этган 218 та лойиҳадан 45 таси Парламент комиссиясининг иқтисодий аҳамиятага эга бўлган лойиҳаларни аниқлаш бўйича ишчи гуруҳи томонидан муҳим деб топилди. "Атроф-муҳити ва аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, республика минтақаларидаги экологик ҳолатни соғломлаштириш борасидаги ишларда аҳоли ва нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамияти бошқа институтлари фаолиятини ошириш" номли танловда эса 174 лойиҳадан 35 таси мубофиқат қозонди. Парламент комиссияси томонидан мазкур танловлар қўлиб-қўлиб бир миллиард 15 миллион сўмлик маблағ ажратилди.

Жорий йилнинг сентябрь-октябрь ойларига "Нодавлат оммавий ахборот воситаларининг демократик ислохотларини янада чуқурлаштириш ва фуқаролик жамиятини ривожлантириш концепциясида белгиланган нодавлат ва жамоат қўлиб-қўлиб устувор вазифаларини ҳал этишдаги фаол иштирокчини таъминлаш, ташқаридан кириб келаётган, менталитетимизга ёт иллатлар, жумладан, "оммавий маданият"нинг зарарли таъсиридан аҳолини, авваломуд, ёшларни ҳимоя қилиш" мавзусидаги танловни ўтказиш мўлжалланмоқда. Бунинг учун 300 миллион сўм ажратилиши режалаштирилган.

Хўлоса қилиб айтганда, юртимизда нодавлат нотижорат ташкилотлари ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтлари тобора ривожланмоқда. Бу эса, ўз навбатида, "Кучли давлатдан — кучли фуқаролик жамияти сари" тамойилини рўёбга чиқаришда кўл келтириши. Эеро, ислохотлардан қўзланган асосий мақсад ҳам қонунларга асосланган кучли фуқаролик жамиятини қарор топтиришдан иборатдир.

Акмал САИДОВ,
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ҳузуридаги Нодавлат нотижорат ташкилотларини ва фуқаролик жамиятининг бошқа институтларини қўллаб-қувватлаш жамоат фонди маблағларини бошқариш бўйича Парламент комиссияси раиси.

(Давоми. Боши 1-бетда).

Дарвоқе, гавҳар шаҳарининг ичиде яна бир шаҳарга жойлашган. Бевосита Президентимиз ташаббуси билан мамлакатимизда биринчи бўлиб барпо этилган "Болалар шаҳарчаси"нинг ўзи бир олам. Бир-бирига уйғун тарзда қурилган уй-жойларда болаларнинг яраб уйнашлари учун барча шарт-шароит муҳайё этилган. Гулзорлару боғлар, полз ёқилари майдонларига болалар катталар ёрдамида қарайдилар. Экинларга ишлов беришга, меҳнатга ўрганадилар.

Эътибор ва ташаббус уйғунлиги

Хотиржамлик, тинч-тотувлик, ишонч ва қатъият ҳукм сурган юрда яшагга бўлган иштиқ ортади. Вилоятда бугун кечагидан яхшироқ, янада фаровон, тўкин-сонин кун кечиршига пойдевор аллақачон яратилган. Ишбилармон ва азия қатъий тадбиркорларнинг бугунги иш тутуми, бу ерда олиб борилаётган бунёдкорлик жараёни шундай фикр юритишимизга асос бўлади. — Юртимиз мустақиллиги ҳар бир кишини ишбилармонлик ва ташаббускорликка, замонага мос ҳаракат қилишга ундади, — дейди Янгйер шаҳридаги "Шодлик-Р" хусусий фирмаси раҳбари, "Шуҳрат" медалли соҳибаси Роза Ваҳобова. — Масалан, фирмамиз ҳам деярли истиқлол тенгдоши, ўтган йилларга назар ташлашда, ишбилармонларнинг фақат қўллаб-қувватланаётганга амин бўламиз. Бу жараён, айниқса, жорий Кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик йилида янада жаллашди. Чунки Президентимиз томонидан йил бошидан бунён тадбиркорлиқни ривожлантиришга қаратилган бир неча қарорлар амалиётга татибқ этилди. Уларда текширишларни қисқарттириш деймизми, кредит олиш ва маҳсулотни сотиш деймизми, ҳуллас, тадбиркорнинг фаолиятини ривожлантириш учун нимаки зарур бўлса, барчаси қамраб олинган.

Хозир фирмамизни ривожланган, кўп тармоқли тадбиркорлик субъекти, деб айта оламиз. Икитиригимизда икки қаватли савдо маркази, ресторани, нон ва нон маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи цехими мавжуд. Яқинда меҳмонхона хизматини ҳам ташкил этдик.

Сирдарёда бундай нияти улуг, мақсади олий тадбиркорлардан 6585 нафарни фаолият юритмоқда. Шундан 803 нафарни фаолиятини ўтган олти ой давомида бошлди.

«ЎЗБЕКИСТОН ЭРИШГАН МАРРАЛАР ҲАВАС ҚИЛИШГА АРЗИГУЛИК»

(Давоми. Боши 1-бетда).

Ўзбекистонни сайёҳлик соҳасида улкан салоҳиятга эга мамлакат сифатида яши билмазми. Ташкент, Самарқанд, Бухоро, Хива каби қадимий шаҳарларининг доимо барчанг эътиборини ўзинга тортиб келган. Мисол учун, Германиядан ҳам ҳар йили қўлаб сайёҳлар ташриф буюришмоқда. Мустақиллик йилларида мамлакатимизда туризм соҳасига қаратилган эътибор тўғрйли меҳмонлар мавжуд шарт-шароит ва иззат-иқромдан мамн бўлиб қайтишмоқда. Жумладан, ўзим ҳам хизмат кўрсатиш ва севрис соҳасида жалд ривожланаётганга амин бўлдим. Бундай ютуқларини ҳавас қилишга арзигулик. Унинг 20 йиллик кутлуг тўйини нишонлаган халқиниғиз бундан кейин ҳам омад ёр бўлишини тилаймиз.

Христос КАЗАНТИС (Греция):
— Ўзбек халқининг бағрикенглиги, самимий муносабати менга жуда ёқди. Одамларнинг қайғийати яхши, юз-қўнда ҳаётдан мамнулик ҳисси сезилиб турибди.

борот воситалари, сиёсий партиялар, жамоат бирлашмалари, касаб ва уюшмалари сингари фуқаролик жамияти институтлари томонидан амалга оширилди. Унда асосий эътибор давлат ва ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятида қонун устуворлигини, мансабдор шахслар томонидан Конституция

ЖАМОАТЧИЛИК НАЗОРАТИ

кучли фуқаролик жамиятини ривожлантириш омилидир

ҳамда қонунлар талабларининг сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилди. Бу саъй-ҳаракатлар пировардда мансабдор шахсларнинг масъулияти ва жавобгарлигини кучайтириб, улар фаолияти самарадорлигини оширади. Қолаверса, жамоатчилик назорати давлат ҳокимияти ва фуқаролар ўртасида ўзаро муносабатларни яқинлаштириб, умумдавлат раванкига хизмат қилади. Маълумки, жамоатчилик назорати мамлакатимизда тарихий илдиларга эга. Чуночи, у азал-азалдан маҳаллар, оқсоқоллар кенгаши қўрилишларида амал қилиб келган. Жумладан, ҳар бир оилада ота-оналар томонидан фарзандлар тарбиясига бефарқ бўлмаслик, огоҳ бўлишлик каби фазилатлар сингирдирилган ва жамоатчилик назоратини

Уларда меҳнат қилаётган ишчилар сони эсан 14 минг нафардан ошиб кетди. Кичик бизнес субъектлари томонидан ўтган мuddат ичиде жами 80 миллиард 211,1 миллион сўмлик саноат маҳсулотлари ишлаб чиқарилиди ва 27 миллиард 295,5 миллион сўмлик пуллик хизматлар кўрсатилди. Пировардда мазкур соҳанинг вилоят ялпи худудий маҳсулотидеги ҳиссаси салкам 70 фоизга етди.

Тадбиркорнинг иши сармо билан камбарчас болгик. Яъни у ёки бу лойиҳани амал-

Сирдарё вилоти:

ЮКСАК САЛОҲИЯТ ВА БУНЁДКОРЛИК

га оширишда ишбилармон учун маълум миқдорда маблағ зарур бўлади. Бунда эса аксарият ишбилармонлар банклар кўмағига — бизнес халқорликка таянади. Вилоят молия муассасаларининг бу борадаги алоқаси мустақамлашнинг уларнинг тадбиркорлик субъектларига йил бошидан бунён 52,8 миллиард сўм миқдорда кредит ажратганидан ҳам билиш мумкин.



Бундан ташқари, аҳолидан тушган 480 дан зиёд тақлифлар ўрганилиб, ҳозиргача уларнинг 343 таси молиялаштирилди.

Хозир вилотида турли соҳага ихтисослаштирилган 39 та кўшма корхона ишлаб турибди. Олти ой ичиде уларнинг 11,6 миллион АҚШ долларилик маҳсулоти чет давлатларга экспорт қилинди. Улар орасида, айниқса, "Sayuna textiles" Ўзбекистон — Швейцария, "Peng-Sheng" Ўзбекистон — Хитой, "JMP-интернейшл" Ўзбекистон — Буюк Британия, "Кармента-

Янтекс" Ўзбекистон — Россия кўшма корхоналарининг маҳсулотлари анча машхур. Биргина 2011 йилнинг ўзида эса улар сафига яна 9 та ишлаб чиқариш қуввати қўшилди.

Чорвачилик — сердаромад соҳа

Чорвачилик — кишлоқ ҳўжалигининг энг сердаромад тармоқларидан бири. Сирдарё вилотида тармоқни ривожлантириш, наслчилик ва зооветеринария хизматларини сифатли таш-



Уларни жаҳон тан олди

Маълумки, шу йилнинг июнь-июль ойларида Мексикада футбол бўйича ўн етти ёшгача бўлган ўсмирлар ўртасида жаҳон чемпиони бўлиб олди. Унда юртимиз ўсмирлари ҳам юксак маҳорат кўрсатиб, дунёнинг кучли саккиз жамоаси сафидан ўрин эгаллади. Бу билан улар ўзбек ёшлари ҳеч кимдан кам эмаслиқларини яна бир бор амалда исботладилар. Албатта, бундай тарихий муваффақиятни ҳар биримиз катта гуруру ва ифтихор билан тилга оламиз. Эътиборлиси шундаки, терма жамоаси асосий таркибидеги беш нафар ўйинчи: жамоа сардори Аббосбек Махстаиёв, футболчиларимиздан Асилжон Мансуров, Сардор Раҳмонов, Бобур Давлатов, Жавлон Мирабдуллоев айнан Сирдарё ўғлонлари, аниқроғи, Янгйер шаҳридаги футболга ихтисослаштирилган мактаб-интернати битирувчиларидир.

— Фарзандим шундай катта муносабатда иштирок этиб, юртимиз шанини ҳимоя қилганидан фархандман, — дейди Асилжон Мансуровнинг онаси Шарофат опа. — Ўйинларни бугун маҳалламиз билан томоша қилдик. Футбол томоша қилаётганимизга, уларнинг назар соламан. Ҳаммаинг юзюда ҳавас ва қувонч аломати. Ахир фарзандингга кимдир ҳавас қилса, яна бошқаси у каби бўлишини орзу қилса, она учун шунинг ўзи катта бахт эмасми?!

Чиндан ҳам, бундай ўзбек йигитларининг иқтидорига, матонатига, маҳоратига ҳавас қилувчилар кўп. Бугун

Уларни жаҳон тан олди

— Самарқанддаги Регистон мажмуаси, Имом Бухорий зиёратгоҳи, Бухорода жойлашган Хожа Баҳоуддин Нақшбанд, Абдуқолиб Ғиждувоний зиёратгоҳларини бориб кўрдим. Мамлакатимизда ажодларга қанчалар ҳурмат ва эҳтиром кўрсатилиши ана шу масканлардаги ободликдан ҳам билинади. Шунингдек, "Кўҳна ва боқий Бухоро" монументини томоша қилдим. Бир олам таассурот олдим. Ташкентдаги Мустақиллик майдонига бўлдим. Эзгулик аркаси, Мустақиллик ва эзгулик монументи, бахтиёр она сиймоси, атрафга ҳушхаво баша этиб турган фавворалар, ям-яшил дархат ва майсалар... Ҳаммаси уйғунлик касб этган.

Фурсатдан фойдаланиб, Ўзбекистон халқини 20 йиллик Истиқлол айёми билан кутлайман.

Ш. ЗОКИРЖОНОВ
эби олди.

ўзбек ёшлари спортнинг барча турларида улкан муваффақиятларни қўлга киритмоқда. Юртимиз байрогини нуфузли мусобақаларда баланд кўтариб, Ўзбекистон довуруғини дунёга ёймоқдалар. Бу мамлакатимизда ёшларнинг маънан ва жисмонан баркамол бўлиб вояга етишлари йўлида спортни ривожлантиришга давлат сиёсати даражасида эътибор қаратилётгани самарасидир.

Бугунги кунда вилотида 1590 дан ортиқ спорт иншоотлари ёшлар ихтиёрида. Фақатгина марказда эмас, чекка-чекка қишлоқларда қад ростлаган бундай мажмуалар ҳаммиша спортсевар ёшлар билан гавжум. Халқаро талабларга тўла жавоб берувчи марказий стадион, "Алпомиш" спорт мажмуаси, "Бокс саройи", IV типдаги сузиш бассейни шулар жумласидан. Бу имкониятлар, табиийки, сирдарёлик спортчиларга республикамиз мислидаги мусобақалардан Осиё, жаҳон чемпионатларида йўл очмоқда.

Мисол учун, 12 карра Ўзбекистон чемпиони, Осиё чемпионатининг қумуш медалли соҳибаси, боввутлик шахматчи Сарвиноз Қурбонбоева шу йил Бразилияда бўлиб ўтадиган қизлар ўртасидаги жаҳон чемпионати боради. Зулфия номидаги Давлат мукофоти соҳибаси, академик эшак бўйича кўп карра Ўзбекистон чемпиони Севара Мирзабегова номи ҳам бугун дунё спорт ихлосмандларига яхши таниш.

Сирдарёда бундай истеъдодли ёшлар рўйхатини яна узоқ дамун эътириш мумкин. Мўҳими, улар ўз иқтидорларини билан вилот, қолаверса, Ўзбекистон номини кўкларга кўтаришяпти.

Муктасар қилиб айтганда, бугунги Сирдарёнинг гавжум ва файзли кўчаларига, турфа гул ва дархатлар билан безанган боғу хиёбонларига, бири-бириндан қўқам бинарларига боқиб, вояхинг истиқлол йилларида гулгураб ривожланиб бораётганига гувоҳ бўласиз. Эеро, Президентимиз таъкидлаганидек, Сирдарё вилотида яшайдиган халқ кўпчи кўрган, оғир синтовларда тобланган, меҳнаткор, матонатли халқдир.

Бундай одамлар билан ҳар қандай машаққатни енгириб ўтиш, янги-янги марраларни қўлга киритиш, янада улгувор ишларни амалга ошириш мумкин.

Дилшод УЛУҒМУРОДОВ,
Шомурод ХОЛМУРОДОВ,
«Халқ сўзи» мухбирлари.
Ҳасан ПАЙДОВ
олган суратлар.

Анжуман

Пойтахтимиздаги Ўзбекистон Миллий матбуот марказида ахборот соҳасини ислох қилиш, фуқароларнинг ахборот олиш борасидаги эркинликларининг ҳуқуқий қафолатларини таъминлашга доир концептуал вазифалар ва уларни бажаришининг устувор йўналишлари, бу борада оммавий ахборот воситаларининг ўрнига бағишланган матбуот анжумани бўлиб ўтди.

Ахборот тизими ва самарадорлик

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги, Мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди ҳамкорлигида ташкил этилган мазкур анжуманда таъкидланганидек, мамлакатимизда истиқлолнинг илк йилларида қонун ушбу соҳани ривожлантириш бўйича кенг қамровли ислохотлар амалга оширилмоқда. Хусусан, оммавий ахборот воситаларини эркин ва иччил ривожлантиришга қаратилган бир қатор қонунлар қабул қилингани аҳолининг ахборот олиш борасидаги конститутивий ҳуқуқларини рўёбга чиқариш учун янада кенг йўл очди.

Хозир юртимизда фаолият кўрсатаётган телерадиоканаллар ва веб-сайтларнинг 86 фоизини нодавлат оммавий ахборот воситалари ташкил этади. Мана шу кўрсаткичнинг ўзиёқ мамлакатимизда мазкур соҳа жалд суратларда тараққий этиб бораётганини англатади.

Президентимиз томонидан 2010 йил 12 ноябрда Олий Мажлис палаталарининг қўшма мажлисида илгари сурилган Мамлакатимизда демократик ислохотларни янада чуқурлаштириш концепциясида ахборот соҳасини ислох қилиш, ахборот ва сўз эркинлигини таъминлаш энг муҳим устувор йўналишлардан бири сифатида белгилан берилди. Анжуман иштирокчилари давлатимиз раҳбари томонидан бу соҳани ислох қилиш бўйича тақлиф этилган чора-тадбирларнинг мазмун-моҳияти, истиқлолдан амалга оширилиши лозим бўлган ишлар хусусида батафсил маълумотга эга бўлдилар.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ.

ЗАЛВОРЛИ ОДИМЛАР — МУВАФФАҚИЯТ МЕЗОНИ

Мамлакатимиз иқтисодиётининг у ёки бу соҳаси ҳақида фикр юритилса, беихтиёр ўша тармоқнинг энг йирик корхоналари ҳаёлимизга келади. Дейлик, тоғ-кон саноати тўғрисида сўз кетса, дарров Навоий ва Олмалиқдаги гигант комплекслар, металлургия хусусида гап очилса, Бекободдаги комбинат, автосаноат борасида сўхбатлашилганда эса, Асака ва Самарқанддаги замонавий корхоналар фахр-ифтихор билан тилга олинади. Ғазни қайта ишлаш саноати тўғрисида тўла тасаввурга эга бўлишимиз учун эса, ҳақли равишда Муборақдаги йирик корхона кўз олдимизда гавдаланади.

Ислоҳот

Муборақ газни қайта ишлаш заводи ҳақида ҳикоя қилар эканмиз, энг аввало, унинг тараққиёт босқичлари хусусида сўз юритишимиз зарур. Корхонанинг бу борадаги ютуқлари ҳавас қилса арзиғулик. Хусусан, завод ўз фаолиятини бошлаган дастлабки даврда хом ашёни қайта ишлаб, йилга 12 — 14 миллиард куб метр табиий газни истеъмолчиларга етказиб берган бўлса, кейинчалик бу кўрсаткич 16 — 18 миллиард куб метрга етказилди. Биринчи мўддат ўтгач, йилга 20 миллиард куб метрлик марра забт этилди.



Мазкур йирик корхона фаолияти мустақиллик йилларида тубдан ўзгарди, ишлаб чиқариш қувватларидан самарали фойдаланишга эътибор кучайтирилди. Бундан ташқари, янада серунум, замонавий ускуналар, машина-механизмлар, технологиялар ишлаб чиқаришга татбиқ этилди. Бунинг натижасида истиқлол йилларида корхонада табиий газ етказиб бериш миқдори 40 фоиздан ортиб, йиллик ҳажм 28,5-29 миллиард куб метрни ташкил этди. Муборақлик газчилик жорий йилда ушбу кўрсаткични қарийб 30 миллиард куб метрга етказиш ниятида шижоат билан меҳнат қилишмоқда.

Хом ашёни қайта ишлаш жараёнида табиий газдан ташқари суюлтирилган ва қаттиқ ҳолатдаги олтингургурт, пропан-бутан аралашмаси, газ конденсати сингари ғоят зарур маҳсулотлар ҳам тайёрланади. Корхона ҳудудида олиб борилаётган кенг қўламли бунёдкорлик ишлари, цехлар қайта қурилиб, замонавий дастгоҳлар билан жиҳозланаётганлиги туфайли бу маҳсулотлар ҳажми яқин икки-уч йилда беш-саккиз бараварга кўпаяди. Мазкур саъй-ҳаракатлар олдиндан

тасдиқланган дастур асосида амалга оширилмоқда.

Энг улғу, энг азиз байрамимиз арафасида ишга туширилган йирик иншоотлар қаторида Муборақ газни қайта ишлаш заводининг 18-блоти ҳам бор. Бу блок ўз мўддатини ўтаб бўлган 2-навбат қувватлари ўрнини босади. Ана шу замонавий мажмуада йилга 2 миллиард куб метр газ қайта ишланади. 2012 йилда эса худди шундай қувватга эга бўлган 16, 17-блочларнинг ишга туширилиши кўзда тутилган.

— Бугунги кунда пропан-бутан аралашмасини олиш мажмуаси қурилишида ҳам ишлар жадал кетмоқда, — дейди Муборақ газни қайта ишлаш заводи директори Ҳасан Иноқов. — 2012 йилнинг биринчи чо-

рагида ишга туширилиши режалаштирилган бу йирик комплекснинг умумий лойиҳа қиймати 244 миллион АҚШ долларини ташкил этади. Мазкур мажмуанинг мамлакат иқтисодиётидаги аҳамиятини тўла тасаввур қилиш учун қуйидаги икки рақамни таққослаш кифоя: корхонамизда ҳозирги пайтда йилга 16 минг тонна суюлтирилган газ ишлаб чиқарилади. Янги комплекс фойдаланишга топширилгач, бу кўрсаткич 258 минг тоннани ташкил этади. Яъни маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми

қарийб йигирма баравар кўпаяди. Бундан ташқари, пропан-бутан аралашмаси олиш мажмуасида йилга 125 минг тонна газ конденсати ишлаб чиқариш имкони ҳам яратилади. Белгиланган марраларни муваффақиятли эгаллашда Бахтиёр Шеров, Миролим Жумаев, Шерали Турсунов, Умид Аvezов, Барака Рустамов, Станислав Мазур, Абдухалил Қаримов, Анвар Валиев каби малакали мутахассисларнинг хиссаси катта бўлмоқда.

Муҳими, корхонанинг келажиги янада порлоқ. Негаки, хом ашёнинг комплекс тарзда қайта ишланишига эришиш, маҳсулот турларини кўпайтириш мақсадида хорижий инвесторлар кенг жалб этилмоқда. Хусусан, 2015 йилгача Сингапурдаги "Индорама" компаниясининг 2,5 миллиард АҚШ доллари миқдоридagi сармояси ҳисобига газ-кимё комплекси қурилиб, ишга туширилади. Бу мажмуада йилга 500 минг тонна полиэтилен ишлаб чиқарилади.

Газ саноатининг бундай жадал суръатлар билан тараққиёт этиши замонавий касбларни пухта эгаллаган ишчилар, билимдон мутахассисларга бўлган талаб-эҳтиёжни тобора ошириб бормоқда. Шу боис корхона 11 касб-хунар коллежи билан ақин ҳамкорлигини йўлга қўйган. 2010/2011 ўқув йилида ушбу коллежларни тугатган 418 нафар битирувчи билан уч томонлама шартнома тузилиб, улар корхона цехларида амалиёт ишларини муваффақиятли олиб боришмоқда. Келгусида бундай ҳамкорликни янада кенгайтириш, коллежларнинг моддий-техника негизини мустаҳкамлашга корхона томонидан берилган кўмакни кучайтириш чора-тадбирлари ҳам белгиланган.

Зеро, барча корхоналарда бўлгани каби Муборақ газни қайта ишлаш заводида ҳам ишнинг муваффақиятини интилувчан, шижоатли ва билимдон ишчилар ҳамда муҳандис-техник ходимлар таъминлашади.

Файзулла ЭШҚУЛОВ.



МАИШИЙ ТЕХНИКА ОИЛАСИ

Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган



Бугунги тараққиёт этган замонда маиший техникасиз хонадонни тасаввур қилиш мушкул. Юз йилдан ортиқ давр ичида сифат ва эстетик жиҳатдан тобора такомиллашиб келаётган маиший асбоб-ускуналар миллиардлаб кишиларнинг хонадонига қириб борди. Ҳайратланарлики шундаки, харидорлар ўзларининг турмушини соддалаштирадиган, уй-жойини шинам қиладиган, ҳаётининг ранг-баранглигини таъминлайдиган, юмушлардан халос этиб, ором олишга имкон берадиган маиший техникаларнинг ҳар бир янги турига катта қизиқиш билан ошиқардилар. Маиший техника мавжудлигининг моҳияти ана шу тариқа келиб чиқди. Эндилқда маиший техникалар ёрдамида юмушларини бажараётган киши уларнинг кундалик турмушида қанчалик зарур эканини яхши билади.

Исталган дўкон ва савдо расталарига кўз ташлаб, юртимизда харидорларга таклиф этилаётган маиший техника турлари нақадар бой ва турли-туманлигига амин бўласиз. Ана шу хилма-хилликдан фақатгина Япония, Корея Республикаси, Хитой, Германия ва Россия сингари давлатларнинг машҳур савдо русумларига эмас, балки улар қаторида "Artel" номли Ўзбекистоннинг янги маиший техникалари ҳам ўз ўрнини топган. Ҳозирги пайтда ушбу бренд остида "Эконом", "Бизнес" ва "Люкс" деб номланган уч туркумдаги газ плиталарининг олти хил модели, шунингдек, "Montana" туркумидаги уч хил кондиционерлар ишлаб чиқаришмоқда.

Ўзбекистонлик харидорлар, табиийки, биринчи навбатда, "Artel" ўзи қанақа компания, қачон ва қай тариқа ташкил этилгани билан қизиқишади.

Бренднинг тарихи 2011 йилдан бошланади. Яъни маиший техника ишлаб чиқарувчи етакчи компаниялардан бири — "Samsung" билан стратегик ҳамкорлик ўрнатилиши "Artel" бизнес-фаолиятининг йўлга қўйилишига сабаб бўлди. Шу билан бирга, Хитой бозорининг машҳур илгорларидан бири "Midea" ҳамда Италиянинг "Gloria" компаниялари билан ўрнатилган алоқалар "Artel"нинг

маиший техника ишлаб чиқаришдаги бизнесининг қарор топишига олиб келди.

Сифатли маиший техникани ишлаб чиқариш ҳамда доимо янги гога ва ечимларни қидириб топиш "Artel"нинг асосий иш тамойили ҳисобланади. Компания замонавийлик ва соддалик қадрланган уйларида шинам турмуш шароитини таъминлаш учун маҳсулот ишлаб чиқаради.

Ҳар бир киши интиладиган уйғунлик ва хотиржамлик рами ҳисобланган оқ ва оқ-яшил ранглар бренднинг фирмали услубидир. Компаниянинг бизнес-гояси уй юмушларини осон ва беташивиш удаллаш орқали ундан фойдаланувчи ҳар бир инсоннинг вақтини тежашга имкон берадиган маиший техникани яратишдан иборатдир.

Маҳсулот Ўзбекистондаги заводларда энг замонавий дастгоҳларда тайёрланмоқда. 2012 йилдан бошлаб компания "Artel" савдо белгиси остида кир ювиш машиналари ва музлаткичлари ҳам ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

Ўзига хос услубга эга, қатор вазифаларни бажарувчи ва ишлатишга қулай "Artel" маиший техникаси юксак малакали мутахассислар меҳнати маҳсулидир. Тараққиёт этган технология ва инновациялар нафақат сифатли, балки турмушимизни қизиқарли ҳамда ёрқин қилишга мўлжалланган, фойдаланишда содда бўлган техникани ишлаб чиқаришга имкон яратади.

Ҳозир Тошкент ва республикамизнинг бошқа шаҳарларида, шунингдек, йирик савдо мажмуаларида "Artel" дўконлари хизмат кўрсатмоқда. Уларда савдо фаолияти юксак савияда йўлга қўйилган. "Artel" компаниясининг барча маиший техникалари янги ва пухта технология асосида ишлаб чиқарилаётгани боис сифат стандартларига тўлиқ жавоб беради.

"Artel" савдо русуми — ўзига хослик, сифат ва қулайликни қадрловчи кишилар учун, шубҳасиз, олға босилган қадамдир!

Artel — гога бирга!

1209H/666

Маҳсулот сертифициланган.

ИЗЛАНИШ МЕВАСИ

Айни пайтда бозору дўконларимиз олма, шафтоли, узум, нок, анор, қовун-тарвуз сингари ширин-шакар неъматларга тўла. Шубҳасиз, мамлакатимизда озиқ-овқат, хусусан, мева-сабзавот маҳсулотларини кўпайтиришга қаратилган юксак эътибор туфайли шундай тўқинликка эришялмиш.

Айтиш жоизки, кейинги йилларда юртимизда мева-сабзавот маҳсулотларини саноат усулида қайта ишлашга эътибор қаратилиб, жойларда кўплаб корхоналар барпо этилмоқда.

Қува туманидаги "Quva Agro Invest" масъулияти чекланган жамияти — шулардан бири. Мазкур жамиятнинг иш бошлагани ҳали кўп вақт бўлгани йўқ. Аммо корхонада қайта ишланиб, қадоқланаётган сифатли маҳсулотларга талаб тобора ортиб бораётир. Албатта, бунинг ўзига хос омиллари мавжуд. Аввало, корхонада Италиянинг "Manzini", "Bertuzzi" ҳамда Германиянинг "Bellmer" компанияларидан келтирилган замонавий ускуналар ёрдамида иш унумдорлигига эришилаётган бўлса, иккин-

чидан, мева-сабзавотларнинг маҳаллий деҳқонлардан олинаётгани маҳсулот таннархини арзонлаштиришга хизмат қилаяпти.

Қарор ва ижро

— Президентимизнинг 2006 йил 11 январдаги "Мева-сабзавотчилик ва узумчилик соҳасини ислоҳ қилиш бўйича ташкилий чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарорига биноан, меваларни ўзимизда етиштиришга ҳаракат қилаялмиш, — дейди жамият раҳбари Ғайрат Собиров. — Бунинг учун бизга туман ҳокимлиги томонидан 144 гектар ер майдони ажратиб берилди. Шу йил баҳорда бу ерни ўзлаштириш ва боғ барпо этиш учун 200 миллион сўм маблағ аж-

ратиб, унинг 55 гектарига 20550 тупдан ортиқ гилос ва шафтоли ниҳоллари қададик. Насиб қилса, уч йилдан сўнг ушбу боғимиздан 2000 тонна ҳосил йиғиб оламиз. Сув билан таъминлаш масаласи ҳал қилинса, биз мазкур боғни 120 гектаргача кенгайтиришни мўлжаллаялмиш. Унинг бир қисмини хандон листа боғига айлантириш режалаштирилган.

Бундан ташқари, ишлаб чиқарилаётган маҳсулот турларини кўпайтириш ва сифатини янада яхшилаш мақсадида шарабтани шиша идишларга қуйишга мўлжалланган, қиймати 198,4 минг АҚШ долларлик янги линия харид қилди. Чет эллик ҳамкорлар билан имзоланган шартномага асосан, 600 минг АҚШ долларлик ускуналар яқин кунларда келтирилади. Бу эса ишлаб чиқариш салоҳиятимиз бундан-да ортади, деганидир.

Масъуда ЁҚУБОВА.

«ТОШКЕНТ ТРУБА ЗАВОДИ» ҚҚ

Ўзида ишлаб чиқарилган кўйидаги маҳсулотларни харидорларга тақдим этади (нархлар ҚҚС билан қўшиб ҳисобланган)

ПЛИТ КЎВУРЛАР

СУВ ВА ГАЗ ЎТКАЗУВЧИ КЎВУРЛАР — ГОСТ 10705-80, диаметри 15-114 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 500 000 сўмдан бошлаб.

ГАЗ ВА НЕФТЬ ЎТКАЗУВЧИ КЎВУРЛАР — ГОСТ 20295-85, диаметри 159-337 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

Квадрат кесимдаги **ПЛИТ КЎВУРЛАР** — ГОСТ 8639-82, ўлчамлари: 20x20, 25x25, 30x30, 40x40, 50x50, 60x60, 80x80, 100x100.

Тўғри бурчак кесимдаги **ПЛИТ КЎВУРЛАР** — ГОСТ 8645-68, ўлчамлари: 30x20, 40x25, 50x25, 30x60, 40x60, 40x80, 50x100, 60x80, 60x100, 80x120. Девор қалинлиги 1,0-4,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 600 000 сўмдан бошлаб.

КОНСТРУКЦИЯ УЧУН ПРОФИЛ — 80x40x15, 100x40x15, 100x50x20, 120x60x20, 140x60x20, 160x70x20, 180x70x20, 200x70x20. Девор қалинлиги 2,0 - 3,0 мм., баҳоси 1 тн. учун 2 650 000 сўмдан бошлаб.

ПРОСНАСТИЛ — Н-17, Н-25, Н-28, Н-35, Н-57, Н-75 қалинлиги 0,4-0,7 мм., узунлиги 2 м. дан 14 м. гача.

МАХСУЛОТЛАР СЕРТИФИКАТЛАНГАН.

Телефон: (8-371) 241-31-72. Факс: (8-371) 241-31-94.

Ўзбекистон Республикаси
Халқ таълими вазирлиги ҳамда
Республика Болалар кутубхонаси
ҳамкорлигида Kitob.uz сайти ташкил этилди.

ЯНГИ САЙТ ИШГА ТУШДИ

Ўзбек тилидаги мазкур сайтдан Республика Болалар кутубхонасида сақланаётган 220 мингга яқин адабиётнинг муайян қисми, умумтаълим фанлари бўйича дарслик ва ўқув адабиётлар, болалар учун мўлжалланган турли маърифий-бадиий китоблар, рисола-ларнинг электрон нусхалари ўрин олган. Яна бир қулайлик томони, ундаги зарур манбаларни қўйиб олиш учун китоблар рўйхати ҳам келтирилган. Эндилқда мамлакатимиздаги ҳар бир китобхон Kitob.uz сайти орқали болалар адабиётига оид керакли асарлар билан танишишлари мумкин.

Х. ХОЛДОРОВ.

Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги ҳузуридаги
Суд қарорларини ижро этиш, судлар фаолиятини моддий-техника жиҳатидан
ва молиявий таъминлаш департаменти Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси

суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш юзасидан ўтказиладиган такрорий танловда катнашиш истагидаги савдо ташкилотлари (юридик шахслар)ни очик танловга таклиф этади.

Такрорий танлов 2011 йил 11 октябрда бўлиб ўтади.

Очик танловга суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни (кўчмас мулк ва автомобилотранспорт воситаларидан ташқари) сотиш билан боғлиқ хизмат кўрсатиш қўйилади. Танловнинг мақсади — суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаб олиш. Танлов ўтказиш комиссияси томонидан катнашиш учун берилган ариза ва ҳужжатларни қўриб чиқиш Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармасида 2011 йил 7 сентябрдан бошлаб ҳар кун соат 10.00 дан 17.00 га қадар амалга оширилади. Ариза ва ҳужжатлар қабул қилиниши ҳудудлар бўйича ўтказиладиган танловдан 5 кун олдин тўхтатилади, ариза ва ҳужжатлар Суд департаментининг Тошкент шаҳар ҳудудий бошқармаси билини —

Тошкент шаҳри, Амир Темури шоҳқўчаси, 95-уйда (телефонлар: (8-371) 235-94-67, 235-94-68)

комиссия ишчи органи — ҳудудий бошқарманинг статистика ва таҳлил бўйича сектори (инспектори) томонидан қабул қилинади. Аризага илова қилинган ҳужжатлар шахсан, курьер ёки алоқа бўлими орқали ёпилган конверт билан мазкур эълонда кўрсатилган манзилга «Суд ҳужжатлари ва бошқа органлар ҳужжатлари бўйича мол-мулкни сотиш учун савдо ташкилотларини танлаш бўйича танлови»га деб юборилиши керак. Алоқа бўлими орқали юборилган ҳужжатлар ишчи орган уларни рўйхатдан ўтказган кундан бошлаб келиб тушган деб ҳисобланади. Белгиланган мўддатда тақдим этилмаган ҳужжатлар танловга киритилмайди.

11989/1001

UZTRANS-GAZ
JOB STOCK COMPANY

«ЎЗТРАНСГАЗ» АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ

Ҳурматли юртдошлар!

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2011 йил 17 майдаги 283-Ф-сонли фармойишига мувофиқ, жорий йилнинг 1 июнидан 1 октябрга қадар республика табиий газ истеъмолчилари тўлиқ хатловдан ўтказилмоқда.

Шу муносабат билан табиий газ бўйича қарздорликни хатловдан ўтказиш учун масъул бўлган ходимларга маҳалла фуқаролар йиғини билан келишилган ҳолда ўз вақтида амалий ёрдам беришингизни илтимос қиламиз.

7340/607

ТОШКЕНТ ТУҲФА ЭТГАН УНУТИЛМАС ТААССУРОТЛАР

(Давоми. Боши 1-бетда).

Мақтаб ўқувчилари ўртасида ўтказиладиган "Умид ниҳоллари", академик лицей ва касб-хунар коллежлари ўқувчиларининг "Баркамол авлод" ҳамда олий ўқув юртлири талабалари иштирокидаги Универсиада мусобақалари асосида навқирон авлод, шу жумладан, қизларни спортга оммавий жалб этиш имконияти кенгайтиди. Буларнинг барчаси, ўз навбатида, жамиятда соғлом турмуш тарзини қарор топтиришга хизмат қилмоқда.

Республикада спортнинг Олимпиада ўйинлари таркибидан жой олган нафис тури — бадий гимнастика равнақи йўлида амалга оширилаётган салмоқли ишлар замирида ҳам ана шу эзгу мақсад мужассамдир. Зеро, у қизларни ҳам жисмонан, ҳам эстетик жиҳатдан тарбиялаш, музика ва рақсга бўлган қизиқликлари ошириш, шунингдек, ҳар жиҳатдан соғлом камолга етишларини таъминлашда айна мудоабдир. 2005 йилда Ўзбекистон гимнастика федерациясининг ташкил этилиши бу борадаги муҳим қадамлардан бири бўлди. Утган вақт мобайнида федерация жойларда бадий гимнастикани омаллаштириш бўйича қатор ижобий ишларни амалга оширди. Натижада аҳоли орасида унга бўлган қизиқиш кучайди. Сўнгги икки йилда бадий гимнастика билан шуғулланаётган қизлар сони уч баробарга ортгани бунинг яққол далилидир.

Табииий, яратиб берилаётган бекиёс шарт-шароитлар кўндан-кўп иктидор эгаларини кашф этиш, Ватанимиз номини янада улуглашга хизмат қилмоқда. Утган йили бадий гим-

настика бўйича пойтахтимизда ташкил этилган Осиё чемпионати, шунингдек, Хитойнинг Гуанчжоу шаҳри мезбонлик қилган ўн олтинчи ёзи Осиё ўйинларида вакилларимиз эришган натижалар фикримиз тасдиғидир. Ҳозирги кунда терма жамоамизнинг Уляна Трофимова, Жамила Раҳимова, Замира Санақуллова, Азиза Мамажонова, Хусниёбону Гуломова сингарии аъзоларини жаҳон аҳли гимнастика юлдузлари сифатида яхши би-



Улардан ўрнатган кўндалаб мурғак қалб эгалари эса улкан ниятлар ила спортга меҳр қўймоқдалар.

Ҳаҳон кубоги босқичи мусобақалари ва "Нарру Сагаван" халқаро турнирида ҳам ана шу чиройли аёнана давом эттирилди. Мазкур мусобақа юртимиз спортчилари учун жорий йил 17 сентябрда Францияда ташкиллаштирилаётган жаҳон чем-

пионати олдидан ўзига хос тайёрларлик вазифасини ўтаб бериши билан ҳам аҳамиятли эди. Шу боис унда ҳар бир қатнашчи бор маҳоратини ишга солди. Кескин рақобат остида кечган спорт байрамида ҳамюртларимиз ҳам шохсупадан жой олдилар. Хусусан, "Нарру Сагаван" беллашуварлари гимнастикчимиз Анастасия Сердюкова кўп кураш ва булавада машқ бажаришда кумуш, лента билан кўрсатган аҳойиб ҳара-

катлари эвазига эса бронза медалини кўлга киритди. Айна пайтда кўп кураш беллашуварларида россиялик Юлия Синицина голибликни кўлга киритган бўлса, Беларусь терма жамоаси вакили Елена Болотина учинчи ўрин соҳибасига айланди.

— Ўзбекистонлик бадий гимнастикчиларнинг маҳорати йилдан-йилга ошиб бормоқда, — дейди германиялик мутахассис Биргит

Гухр. — Бу бежиз эмас, албатта. Мамлакатимизда спортга давлат сирёсати даражасида эътибор қаратилаётгани амалда натижалар динамикага ижобий таъсир қилмоқда. Сизда кўндалабдан чора-тадбирлар, орттирилган тажрибалардан ўрганишга арзийдиган жиҳатлар кўп. Ўз яқунига етган гўзаллик, нафосатда бекиёс мазкур гимнастика фору-

ми юксак даражада уюштирилгани, унда кашф этилган янги номлар орасида Ўзбекистонлик спортчиларнинг ёрқин иштироки фикримга яққол тасдиқ бўла олади.

...Пойтахтимизда ўтган навбатдаги йирик мусобақа ва халқаро турнир якунида, энг ҳаяжонли дамлар — голиб ҳамда совриндорларни тақдирлаш маросими бошланган. Олқишлар остида майдонга яққалик ва гуруҳ баҳсларида голиб ҳамда совриндор бўлган спортчилар кириб келдилар. Кўп кураш беллашуварларида биринчи ўринни россиялик спортчи Дарья Дмитриева эгаллаган бўлса, унинг ҳамюрти Александра Меркулова иккинчи натижани қайд этди. Беларусьлик Любовь Черкашинага эса учинчи бўлиш насиб қилди. Юлдузли тўртликни ҳамюртимиз, навқирон спортчимиз Уляна Трофимова якунлаб берди. Қувонарли жиҳати, у булава ҳамда тасмада машқ бажаришда ўз маҳоратини намойиш этиб, мос равишда иккинчи ва учинчи ўрин эгаси бўлди.

Халқаро гимнастика федерациясининг Техник қўмитаси вице-президенти, мусобақалар бош ҳақами Н. Кузьмина бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги босқичи ва "Нарру Сагаван" халқаро турнирини ёпиқ, деб эълон қилди ҳамда Ўзбекистон гимнастика федерациясига мусобақаларни юқори савияда ўтказгани учун катта миннатдорчилигини билдирди.

Умумий натижаларга кўра, бадий гимнастика бўйича Жаҳон кубоги Россия Федерацияси жамоасига берилди.

Тантанали маросим концерт дастурига улашиб кетди.

Мусобақанинг ёпилиш маросимида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари У. Розуқуллов иштирок этди.

Шавкат ОРТИКОВ, Саиджон МАХСУМОВ, «Халқ сўзи» муҳбирлари. Абулқасим ЖУМА олган сурат.

• Реклама ва эълонлар •

Мамлакатимиз мустақиллигининг йигирма йиллик байрами Ўзбекистон Мудофаасига қўмақлашувчи "Ватанпарвар" ташкилотининг Тошкент вилояти кенгаши жамоаси учун шодийналарга улашиб кетди.

ЁШЛАРНИНГ ҲАЁТ МАКТАБИ

— "Ватанпарвар"ни бежизга ёшларнинг ҳаёт мактабига қиёшлашмайди, — дейди ташкилотнинг Тошкент вилояти кенгаши раиси Карим Ваҳобов. — Кейинги йиллар мобайнида мамлакатимиз Куролли Кучлари ва халқ ҳўжалигининг бир қатор тармоқларига мутахассислар тайёрлаш, спортнинг техник ва амалий турларини кенг омаллаштириш, эртаимиз давомчиларини ҳарбий-ватанпарварлик руҳида тарбиялаш борасидаги саъй-ҳаракатларимиз изчил ривожланиб бормоқда. Хусусан, Куролли Кучларимиз учун курсантлар тайёрланапти. Шунингдек, "Ватанпарвар"нинг техника мактабларида ўқиб, ҳайдовчилик гувоҳномасини олиш истигадига ёшлар сони тобора ортаёпти. Ўз навбатида, молиявий имкониятлар кен-

Интилиш

Бу ҳақда гап кетганда, жорий йил бошдан буён соҳа билим юрталарининг фаолиятида машқ машиналари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Матиз" русумли енгил автомобиллар билан бойитилмоқда. Олмалиқ шаҳри, Янгийўл ва Бўка туманларида эса янги ўқув спорт-техника клублари иш бошлаш арафасида.

дими ларнинг малакаси ошириб борилаётгани ташкилот фаолиятида сифат ва самардорликни таъминламоқда. Таъкидлаш жоизки, техник ва амалий спорт турларини оммавийлаштириш "Ватанпарвар"нинг доимий диққат-эътиборида. Айниқса, бу йўналишда ўтказиладиган спорт мусобақаларига кўпроқ қишлоқ ёшлари жалб этилаётгани айна мудоабдир. Ҳозирги пайтда вилоятдаги 58 та шундай спорт секциясида 1200 дан зиёд ёшлар мунтазам шуғулланиб келмоқдалар. Жорий йилнинг ўзида улар ўртасида 74 та клубларро, 50 дан ортиқ ҳудудий ва вилоят миқёсидаги спорт мусобақалари ташкил этилди. Мамлакат миқёсида ўтказилган иккита мусобақага вилоят мезбонлик қилди.

Шу кунларда ташкилот автосаруларларида машқ машиналари мамлакатимизда ишлаб чиқарилаётган "Матиз" русумли енгил автомобиллар билан бойитилмоқда. Олмалиқ шаҳри, Янгийўл ва Бўка туманларида эса янги ўқув спорт-техника клублари иш бошлаш арафасида.

Ғайрат ШЕРАЛИЕВ, «Халқ сўзи» муҳбири.

Бозор иқтисодиётининг самарали фаолиятини банк-молия тизимисиз тасаввур қилиш мумкин эмас. Шу боис ҳам истиқлол йилларида мазкур масалага устувор вазифалардан бири сифатида эътибор қаратилмоқда. Бугун республикамиз банк тизимининг қатъий халқаро талабларга жавоб берадиган энг барқарор тизимлардан бири сифатида эътироф этилаётгани ислохотларнинг амалий натижалари билан боғлиқ, албатта. Бундай ишончли ва мустаҳкам таянч туфайли иқтисодиётимиз жадал ривожланиб, аҳоли турмуши ва фаровонлиги тобора юксалиб бормоқда.

«Асакабанк»: ПЛАСТИК КАРТОЧКА — ҲАР ЖИҲАТДАН АФЗАЛ

Биласиз, ҳозир бутун дунёда банк пластик картчалари орқали тўловларни амалга ошириш анча омаллашган. Юртимизда ҳам бундай замонавий тўлов воситалари имкониятларидан кенг фойдаланилмоқда. Ҳўш, пластик картчаларга бўлган талаб нима учун ортиб бормоқда? Аввало, у аҳолига иш ҳақи, стипендия ва пенсияларни, шунингдек, коммунал тўловларни амалга ошириш имконини беради. Қолаверса, савдо, умумий овқатланиш ва хизмат кўрсатуви корхоналарда харид қилинган товарлар ҳамда кўрсатилган хизматлар бўйича тўловларнинг теозорлигини таъминлашда ҳам қўлай воситадир. Мамлакатимизда пластик картчалар тизимини ривожлантириш ва кенгайтиришда "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки ҳам фаол иш олиб бормоқда. Мазкур молия муассасаси 1999 йилнинг май ойидан бошлаб ўз сўм пластик картчаларини муомалага чиқара бошлаган. Бугунги кунда уларнинг икки хил тури — дебёт ва кредит картчаларидан фойдаланилмоқда.

хобчаларга, савдо ва хизмат кўрсатуви корхона ва ташкилотларга ўрнатилди.

Шу билан бирга, республикада пластик картчаларни ва нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ҳимоя қилишнинг самарали механизми яратилган. Ушбу механизмга биноран, ҳар бир пластик картчакка эгаси картчакка ҳисоб рақамидидаги пул маблағларини тасаруф этиш ҳуқуқини тасдиқловчи шахсий идентификация рақами(ПИН-код)га эга бўлиб, у нотўғри терилган ҳолатда пластик картчакка ав-

тик картчалар орқали ҳисоб-китобларни амалга ошириш борасида ягона "Ўзкарт" тўлов тизими фаолият кўрсатмоқда.

Пластик картчалар тизимининг барқарор ва мукамал ривожланиши учун мамлакатимизда сервис тармоғи, савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан узлуқсиз равишда пластик картчакка эгаларига харид қилиш ёки кўрсатилган хизматлар учун картчакка орқали тўловлар қабул қилишда чекловлар бўлмаслиги лозим. Савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчалари томонидан пластик картчакка эгаларидан тўловлар қабул қилишдан бош тортиш ёки қондирузарлик ҳолатлари рўй берганда, миҳозлар банк томонидан белгиланган ишонч телефонларига мурожаат қилишлари мумкин. Савдо сервис тармоғини ривожлантириш мақсадида банк томонидан 6685 та терминал савдо ва хизмат кўрсатиш шохобчаларига ўрнатилди. Айтиш жоизки, мазкур тизим ривожланиши учун республика ҳуқуқмати, Марказий банк, Банклар уюшмаси томонидан қўлай шарт-шароитлар яратиб беришмоқда. Шунингдек, бир қатор меъёрий ҳужжатларнинг қабул қилиниши пластик картчакка тизими ривожланишига бўлган ишончнинг янада оширишмоқда. Жумладан, 2011 йил 13 июлда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 1344-2 сон билан рўйхатга олинган Ўзбекистон Республикаси Марказий банки Бошқарувининг 2011 йил 25 июндаги 19/2-сонли қарори пластик картчакка эгаларига картчакдан фойдаланишда қўшимча қўлайликлар яратди. Яъни агар олдин пластик картчакка эгаси буюм ёки хизмат учун тўлов амалга оширишда, шахсини тасдиқловчи ҳужжат кўрсатиши лозим бўлган бўлса, эндиликда ушбу қоида бекор қилинди.



томатик тарзда блокировка қилинади. Бу борада "Асака" банки барча филиалларида ҳар бир пластик картчакнинг "ПИН-код"ларини "1", "2" каби бир хил "ПИН-код"лар ўрнига қамиди 4 та рақамга-ча бўлган "ПИН-код"лар билан алмаштириш лозимлиги тўғрисидаги маълумот "Мижозлар ва тадбиркорлар бурчагида" жойлаштирилган. Мазкур қорани қўллаш орқали миҳозлар ўз пластик картчаларини йўқотган ёки ўғирланганда ҳам карта ҳисоб рақами бўлган "ПИН-код"лар ишонч хосил қилишлари мумкин; бегона шахсларнинг сохталаштириши ва рухсатсиз фойдаланишига йўл қўймайдиган микрочилипи

2010 йилнинг 19 апрелида Президентимизнинг "Банк пластик картчаларидан фойдаланган ҳолда ҳисоб-китоб тизимини ривожлантириш рағбатлантириш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида"ги қарори қабул қилинди. Ушбу ҳужжат ижросини таъминлаш мақсадида "Асака" банки томонидан ҳам муайян ишлар бажарилмоқда. Жумладан, 2011 йилнинг 1 август ҳолатига кўра, республикамиз бўйича жами 6467 та ташкилот ва корхонада ойлик иш ҳақлари пластик картчакка орқали амалга оширилди. Филиалларнинг жамғарма кассаларида ва барча минибанкларда коммунал тўловларни пластик картчалар орқали қабул қилиш имконини берадиган 329 та терминал ўрнатилди.

Агар "Асака" банки тизимида 2010 йилнинг биринчи ярим йиллиги мобайнида пластик картчалар бўйича нақд пулсиз тўловлар айланмаси 224,33 млрд. сўмини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида бу кўрсаткич 330,13 млрд. сўмини ташкил қилди. Банк томонидан ҳозирги пайтда 755 миңтадан ортиқ пластик картчалар муомалага чиқарилиди ва пластик картчаларга хизмат кўрсатилган 7200 га яқин терминаллар банк газналарига, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилиш шох-

модулар ҳамда маълумотларни шифрлайдиган тўрт погонали тизимга эга пластик картчалар бўйича нақд пулсиз тўловлар айланмаси 224,33 млрд. сўмини ташкил этган бўлса, жорий йилнинг ушбу даврида бу кўрсаткич 330,13 млрд. сўмини ташкил қилди. Банк томонидан ҳозирги пайтда 755 миңтадан ортиқ пластик картчалар муомалага чиқарилиди ва пластик картчаларга хизмат кўрсатилган 7200 га яқин терминаллар банк газналарига, жамғарма ва коммунал тўловлар қабул қилиш шох-

Таъкидлаш жоизки, пластик картчалар тизимининг ривожланиши мамлакат иқтисодиёти учун жуда муҳим аҳамиятга эга. Хусусан, пул-рейд муносабатларида нақд пул муомаласи тартибга солинади ва муомаладаги нақд пул миқдори қисқаради. Аҳоли бўлиш пул маблағларини омонатларга жалб этилиб, бу орқали иқтисодий барқарорлик ошади. Бундан ташқари, корхоналар ва ташкилотлар ҳамда аҳоли ўртасидаги ҳисоб-китоблар тезлашади. Хуллас, пластик картчаларнинг фойдали ва қўлай жиҳатларини санайдиган бўлсак, улар жуда беҳисоб. Шу боис ҳам бу тизимни ривожлантириш масаласи давлатимизнинг доимий диққат-эътиборида. "Асака" давлат-акциядорлик тижорат банки келгусида ҳам мазкур жараённинг фаол иштирокчиси бўлиб қолаверади.

Банк ахборот хизмати.

ТАСВИРДА СПОРТ ЖОЗИБАСИ

Пойтахтимизда шу йилнинг 8 — 10 сентябрь кунлари кино ва телевидениеда спорт талқинига бағишланган VI халқаро Тошкент фестивали бўлиб ўтди.

Республика Киночиқариш уюшмаси ушбу тадбир олдидан матбуот анжумани ташкил этилди. Унда сўзга чиққанлар Президентимиз раҳнамолигида мамлакатимизда спортга катта эътибор берилаётганини алоҳида таъкидладилар. Бугунги кунда юртимизнинг энг чекка кўндаларида ҳам замонавий спорт иншоотлари бунёд этилдики, бу,

Фестиваль

баробарида, спортчиларимизнинг уну-ўз навбатида, ёшларимиз ўртасида спортнинг омаллашувида, уларнинг халқаро майдонлардаги галабасида муҳим аҳамиятга эга. Табиийки, мазкур жараёнларимиз томонидан эътироф этилиб, моҳир спортчиларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатув ҳамда телефильмлар яратилмоқда. Олтинчи бор ўтказиладиган ушбу фестивал ҳайратга 130 дан зиёд ана шундай фильм ва телекўрсатувлар тақдим этилган.

— Фестиваль олдидан ташкилий қўмита аъзолари ушбу фильмларни ўрганиб чиқиб, улардан 30 тасини саралаб олишди, — дейди

баробарида, спортчиларимизнинг уну-ўз навбатида, ёшларимиз ўртасида спортнинг омаллашувида, уларнинг халқаро майдонлардаги галабасида муҳим аҳамиятга эга. Табиийки, мазкур жараёнларимиз томонидан эътироф этилиб, моҳир спортчиларимиз ҳаёти ва фаолияти ҳақида ҳикоя қилувчи кўрсатув ҳамда телефильмлар яратилмоқда. Олтинчи бор ўтказиладиган ушбу фестивал ҳайратга 130 дан зиёд ана шундай фильм ва телекўрсатувлар тақдим этилган.

М. ХОЛМАТОВА.

ОБ-ҲАВО (8 сентябрь)
Қорақалпоғистон Республикаси ва Хоразм вилояти. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 15-20, кундузи 30-35 даража иссиқ бўлади.
Бухоро ҳамда Навоий вилоятлари. Ёгингарчилик кутилмайди. Ҳарорат тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.
Тошкент, Самарқанд, Жиззах ва Сирдарё вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик кузатилмайди. Кечаси 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.
Қашқадарё ҳамда Сурхондарё вилоятлари. Ёгингарчилик бўлмайди. Кечаси 16-21, кундузи 33-38 даража иссиқ бўлади.
Андижон, Наманган ва Фарғона вилоятлари. Ҳаво ўзғариб туради, ёгингарчилик кутилмайди. Тунда 15-20, кундузи 31-36 даража иссиқ бўлади.
Тошкент шаҳри. Ёгингарчилик кузатилмайди. Ҳарорат тунда 15-17, кундузи 32-34 даража иссиқ бўлади.
«Ўзгидромет» маълумотлари асосида тайёрланди.

FIAT INDUSTRIAL **NEW HOLLAND CONSTRUCTION** **NEW HOLLAND AGRICULTURE**

B 110 **TS 130** 130 о.к.

Ушбу машиналар сифат

UzCaseService Tel.: 120-60-97, 120-74-50.

«ХАЛҚ СЎЗИ»ГА ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
236-09-25.
E-mail: reklama@xs.uz

Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Суд-тиббий экспертиза бош бюроси жамоаси муассасаси ходими Қ. А. Махсумхановга падали бузруквори **Аъзамхон МАХСУМХАНОВ**нинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихроф этади.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси компания моддий-техник таъминоти бош-қармаси бошлиғи Равшан Джумабаева падали бузруквори **ТОЖИМАТ** отанинг вафоти муносабати билан чўқур таъзия ихроф этади.

ЦЕМЕНТ (пц400 д20) 271,6 ▲ +7,3 ЦЕМЕНТ (пц400 к20) 245,6 ▲ +0,2 АРМАТУРА 3343,0 ▲ +8,1 ШИФЕР (1 лист) 15779 ▼ -659 АММОНИЙ СУЛЬФАТ ФОСФАТ 310,2 ▲ +1,1 Биржа баҳолари ҳақида кўпроқ билишни истасангиз, **UZEX** сўзини 8383 га юборинг.

Халқ сўзи Народное слово

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонулчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 954. 52196 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда.

ТЕЛЕФОНЛАР:
Девонхона 233-52-55;
Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахририят жавобгар эмас.

Газета тахририят компьютер марказида терилди ҳамда операторлар Ж. Тоғоев ва М. Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

• **МАНЗИЛИМИЗ:**
100000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — А. Оринов.
Навбатчи муҳаррир — М. Жонихонов.
Навбатчи — З. Жонихонов.
Мусаҳҳиҳ — С. Исмолов.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 22.50 Топширилди — 23.50 1 2 3 4 5